



Савол:

«Уйланиш қандай амал?» у кимлар учун ва қандай ҳолатларда қандай мавқега эга бўлади? Янги уйланган одам жуфти ҳалолани қанча муҳлатга ташлаб сафарга чиқиши мумкин.

Жавоб:

Уйланиш одамларнинг ҳолига қараб ҳар хил бўлади. Кимгадир фарз, кимгадир суннат ва кимгадир мустаҳаб. Шаҳватини тута олмайдиган уйланишга қодир киши ҳаромга тушиб қолмаслиги учун уйланиши фарз.

Умумий одамлар учун уйланиш суннат. Бу ҳар бир пайғамбарнинг, шунингдек пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳам суннатлари бўлиб ул Зот Умматини уйланишга тарғиб қилганлар. “...Бола кўрадиган аёлга уйланишлар қиёмат кунда сизларнинг кўплигингиз билан фахрланаман” дедилар. Бошқа бир ҳадисда имкони бор йигитларни дарҳол уйланишга, иложиси йўқларни рўза тутишга буюрдилар.

Баъзи бир инсонлар ўзларида аёлларга нисбатан майлни ҳис қилмасалар ёки умматга хизмат учун қаттиқ бел боғлаган бўлсалар, агар уйланиш унинг ишига тўғаноқ бўлса, бу кабилар исломга хизматни деб уйланмасалар уларни маломат қилинмайди.

Аёлларнинг сабри ҳам ҳар хил бўлади. Баъзи аёллар эрсиз йиллар яшаши мумкин, баъзилари эса бир hafta ҳам яшай олмайди. Шунинг учун ҳар бир эр ўз жуфтнинг ҳолини яхши ўрганиши ва шунга кўра уни тарқ қилиши керак. Умар розияллоҳу анху эркаклар 4 ойдан ортиқ



аёлларидан узоқ бўлмасликларига буюрганлар. Шунга кўра ўртача 4 ой узоғи 6 ой аёлидан узоқда бўлиши мумкин. Эр-хотин ўзаро келишиб бирон муддатни (қанча бўлишидан қатъий назар) белгиласалар, бу ҳам мумкин. Валлоҳу аълам.